

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЙ (1982 ЙИЛ) ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—ҲАЁТГА!


КПСС Марказий Комитетининг Пленуми партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, хўжалик органлари, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари, мутахассислар ва олимлар, саноат ходимлари, жамини қишлоқ аҳолиси ва шаҳарларнинг меҳнаткашлари Марказий Комитетнинг ушбу Пленуми қарорларини бажариш учун зарур бўлган ҳамма ишни қиладилар, совет кишилари фаровон-

лигини муттасил ошириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини мустақамлашнинг бош шартларидан бири бўлиши озиқ-овқат ресурсларини кўпайтиришда белгиланган марраларга эришиш учун умумхалқ соғиласлик мусобақасини авж олдирадидлар, деб қатъий ишонч билдирадидлар.

(КПСС Марказий Комитети май Пленумининг «СССРнинг 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган озиқ-овқат программаси лойиҳаси тўғрисидаги қароридан».)

ОЗИҚ-ОВҚАТ ПРОГРАММАСИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

Илғор тажриба —
ишлаб чиқаришга!



Калинин районининг меҳнаткашлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети май Пленуми қарорларига жавобан сабзавот, картошка, мева ва узум, гўшт, сут, тухум ҳамда бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни кескин кўпайтиришга қарор қилдилар.

Тошкент областадаги Калинин райони йирик сабзавотчилик ва чорвачилик районларидан бири ҳисобланади. Бу ерда катта майдонларда сабзавот, картошка, мева ва узум етиштирилади. Чорвачилик ва паррандачилик фермаларида кўп-лаб қорамоллар, чўчқалар, қўй-эчкилар ва паррандалар боқилмоқда.

Утган йили район хўжаликларидан 108 минг тонналан зиёд сабзавот, 15.483 тонна картошка, 10.730 тонна мева ва узум, 8164 тонна гўшт, 13.034 тонна сут, 69 миллион 30 минг дона тухум етиштирилди. Ана шу маҳсулотларни давлатга сотишдан қарийб 25 миллион сўм даромад олинди.

Район колхоз ва совхозларида

минглаб миришкор деҳқонлар, моҳир соҳибкорлар, юсак тажрибали чорвадорлар меҳнат қилишмоқда. Улар орасида мингга яқин механизатор, юзлаб юсак маҳоратли қишлоқ хўжалик мутахассислари, мўл ҳосил усталари бор.

Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базаси мустаҳкам. Уларнинг машина-трактор паркда 822 та трактор, 64 та дон комбайни ва 36 та силос ўрадиған комбайни, икки мингтадан зиёд бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, юзлаб автомобиллар мавжуд. Ана шу техникага таяниб, деҳқонлар ишлаб чиқариш жараёнини механизациялаш даражасини тобора оширяптилар, экинларни сифатли парвариш қилиб, улардан мўл ҳосил олмақдалар.



Суратларда: 1. Асосан парранда гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган ва кўп миқдорда тухум ҳам олиндиған давлат насли паррандалари заводининг омбор мудири Роза Зарипова савдо ташкилотларига тухум жўнатмоқда. 2. «Қорасу» совхозининг Абсам Азиев бошлиқ бригадасида эртаги картошканин гектаридан 200 центнердан зиёд ҳосил етиштирилди. Бригада бошлиғи А. Азиев (оғда) ва хўжалик бош агрономи Обидинов Мухаммадноров картошка қазилётган.



далада, 3. Орионикидзе номили колхоз сабзавоткорлари эртаги қарамдан етиштирилган мўл ҳосилини жадал йиғиштириб олишмоқда. Илғор колхозчи Ҳанима Содиқова нарам узишда бошқаларга ибрат кўрсатиб ишляпти.

РАЙОН меҳнаткашлари зиммасига республикаимиз пойтахти — Тошкент шаҳри аҳолисини сабзавот, картошка, мева ва узум каби ноз-неъматлар билан таъминлашдан иборат масъулиятли вазифа юклатилган. Улар бу вазифани муваффақиятли бажариб келмоқдалар. Сугориладиган ерлардан юсак самара билан бойдаланяптилар. Унинг умумдорлигини ошириш чораларини кўряптилар, ҳар гектардан йил сайин кўпроқ ҳосил олишга эришяптилар. Шу тариқа сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш ва давлатга сотишни тобора кўпайтиришга муваффақ бўляптилар.

Масалан, Утган йили 4497 гектар майдонда сабзавот ва картошкани, 1503 гектар бог ва тоқзорда мева ҳамда узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 310 центнердан сабзавот, 173 центнердан картошка, 62 центнердан мева ва 97 центнердан узум олинди. Давлатга белгиланганидан анча кўп — 125.308 тонна сабзавот, 14.829 тонна картошка, 6347 тонна ҳўл мева ва 7241 тонна ширин-шакар узум етказиб берилди.


Экинлар, бог ва тоқзорлардан мўл-кўл ҳосил олиб, белгиланган планлар ва қабул қилинган юсак социалистик мажбуриятларни ошириб адо этишга, — дейди район партия комитетининг биринчи секретари. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Раҳматилла Қамбаров, — районимиз меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш, маҳсулот етиштириш юзасидан белгиланган беш йиллик планни муддатидан олдин — тўрт йилда бажариш учун сабот-матонат билан кураш олиб бораётганликлари, дала-ларда ижодий меҳнат қилаётганликлари натижасида эришилди.

Дарҳақиқат, район сабзавоткорлари, картошканичи, соҳибкорлари бой тажрибалари ва юсак маҳоратларини ишта солиб, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, маҳсулот етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун зарур бўлган барча чораларни кўрмоқдалар. Сабзавот экинлари ва картошкани белгиланган муддатларда сифатли қилиб экимоқдалар, уларни, бог ҳамда тоқзорларни меҳр билан парвариш қилиб, ҳосили мўл бўлишини таъминламоқдалар. Улар фаолиятининг яна иборатомуз томонини шундан иборатки, сугориладиган ерларнинг ҳар гектаридан интенсив фойдаланиб, ундан икки-уч марта ҳосил олишни яқин йўлга қўйишган. Эртаги сабзавот экинлари, картошка ҳосили йиғиштириб олиниш билан ер олдин сугорилиб ва ўғитилиб қайдалади ҳамда Ингиб-терий экин экилади. Унинг ҳосили етишган ва Ингиб-терий олинган, ўзинга нечки экин экилади. Сифатли парвариш қилиш йўли билан эртаги экиндан ҳам, ўртаги ва нечки экиндан ҳам бирдай мўл ҳосил олинади.

Яна шунинг ҳам таъкидлаш кераки, етиштирилган ҳосил ўз вақтида йиғиштириб олинади, унинг далада ва тайёрлов пунктларида ташинганда нобуд бўлишига, сифати бузилишига йўл қўйилмайди. Бу айниқса сабзавотчилик, мевачилик ва узумчиликда катта аҳамиятга эга. ШУНИ алоҳида айтиш лозимки, район хўжаликларидан меҳнат қилаётган ва маҳсулот етиштириётган кишиларнинг деярли ҳаммаси уста сабзавоткор, соҳибкорлардир. Улар колхоз ва совхозларнинг далаларида умумий



«Қорасу» совхозида сабзавотчилик билан бир қаторда, чорвачилик ҳам интенсив ривожлантирилмоқда. Хўжалик чорвадорлари кўп миқдорда гўшт ва сут етиштиряптилар. Суратларда: 1. Утган йили ҳар бир сугирдан 6.240 килограмдан маҳсулот олган илғор сут сугуви Тўлғаной Серикбоева. 2. Совхознинг сут-товар фермаси.



Суратларда: 1. Утган йили ҳар бир сугирдан 6.240 килограмдан маҳсулот олган илғор сут сугуви Тўлғаной Серикбоева. 2. Совхознинг сут-товар фермаси.

яхшилаш ва таннарини арзонлаштиришга ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Маҳсулот бирлигини етиштиришга сарфланадиган меҳнат ва маблағ сарфини тобора камайтиришга эришяптилар. Мисол учун, Утган йили етиштирилган 1 центнер сабзавотнинг таннари 11 сўм 6 тийинга, картошка 16 сўм 11 тийинга, мева 13 сўм 12 тийин-

га, узум 25 сўм 15 тийинга тўғри келди. Маҳсулотни давлатга сотишдан кўп миқдорда соф фойда олинди. Бу ишлаб чиқаришнинг рентабеллик даражасини ошириш, хўжаликларнинг экономиясини янада мустаҳкамлаш, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорлигини кучайтириш имконини яратди.

Районда чорвачилик ҳам яқин ривожланган, у зарбдор тармоқда айлантирилган. Бу ерда гўшт етиштиришга их-

гадаги иш ҳозир ҳам кенг миқдорда давом эттирилмоқда. Свердлов номили, «Партия XXI съезди» совхозларида, Қўйбашев номили, Калинин номили колхозларида, «Қорасу» давлат насли паррандачилик заводида янги молхоналар, паррандахоналар қуриляпти, «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси реконструкция қилиняпти, район матбуот жамияти ёрдамчи хўжалигида 100 мингта ўрдак боқишга мўлжалланган йирик ўрдакчилик фермасы қуриляпти.

Райондаги колхоз ва совхозларнинг фермаларида, давлат ва кооператив хўжаликларидан ҳозир 13930 бош қорамол, шу жумладан 4360 бош сугир, 13355 бош чўчка, 67100 бош қўй ва эчки, 1 миллион 385 мингта парранда боқилляпти. Чорва молларни ўрчишти, улардан иккони борича кўпроқ насл олиш ва сақлаб қолиш, туёқ сонини ўстириш ва наслини яхшилашга алоҳида эътибор берилляпти. Энг муҳими, чорвачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, ем-хашак етиштиришни кўпайтириш ва жониворларни яхшилаб боқиш йўли билан уларнинг маҳсулдорлигини ошириш, етиштириладиган ва давлатга сотиладиган гўшт, сут, тухумнинг миқдорини кўпайтиришда қувончли натижаларга эришилляпти. Утган йили 60 минг 540 тонна дағал хашак, 16527 тонна хашақ давлатга тайёрланди, 61 минг тонна силос бостирилди, Ҳар 100 бош сугирдан ўрта ҳисобда 87 тадан соғлом бўз, Ҳар 100 бош совлиқдан 123 тадан қўзи олинганлиги бунинг далилидир.

Шу нарса характерлики, Калинин райони ҳар бир сугирдан соғиб олинаётган сутнинг миқдорини, гўштга топириладиган ҳар бош қорамол, чўчка ва қўйнинг тирик вазнини, ҳар бир товуқдан олинаётган тухумнинг сонини ошириш соҳасида ҳозир республикада олдинги ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Утган йили районда ҳар бир сугирдан ўрта ҳисобда 4050 килограмдан сут, ҳар бир товуқдан 195 донадан тухум олинди. Гўштга топирилган ҳар бир қорамолнинг ўртача тирик вазни 532 килограммин, чўчка — 110 килограммин, қўй — 56 килограммин ташкил этди.


ЧОРВА молларининг маҳсулдорлигини бундай оширилишнинг гўшт, сут, тухум етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан белгиланган планлар ҳамда қабул қилинган социалистик мажбуриятларни тўла-тўқис ва ошириб бажариш имконини берди.

Район меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети май Пленумининг қарорларини кўтариш руҳ билан қарши олдилар. Улар маҳсулот етиштиришнинг кескин кўпайтириш асосида СССРнинг Озиқ-овқат программасини бажариш учун олиб бориладиган курашга муносиб ҳисса қўпишга қарор қилидилар. Колхоз ва совхозларнинг, давлат хўжаликларининг меҳнат коллективлари Пленум қарорларини, СССРнинг Озиқ-овқат программасини муҳорам қилар эканлар, ўзларининг келгусида маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қаратилган аниқ режаларини белгилаб олдилар.

Шунга биноан бу йил район бўйича 130 минг тонна сабзавот, 17 минг тонна картошка, 15 минг тонна мева ва узум етиштиришга қарор қилинди. Чорвачилик зарбдор суръатлар билан ривожлантириш, гўшт, сут ва тухум етиштиришнинг кескин кўпайтириш назарда тутилмоқда. Белгиланган тадбирларга биноан бу йил етиштириладиган гўштининг миқдори Утган йилдагига нисбатан 1136 тонна, сут — 1966 тонна, тухум — 9 миллион 170 минг донга кўпайтирилади. 1985 йилга бориб эса сабзавот етиштириш 150 минг тоннага, гўштин — 14 минг тоннага, сутни — 25 минг тоннага, тухумни — 135 миллион донга етказиш назарда тутилмоқда.

Бу Калинин районининг меҳнаткашлари чинакам совет ватанпарварлари эканликларидан, улар партия халқимиз олдида қўйдиган ҳар қандай мураккаб вазифани бажаришга тайёр ва қодирликларидан, партиянинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашни ўзларининг биринчи даражали вазифалари, ватанпарварлик бурчлари деб билаётганликларидан далолат беради.

Х. АБДУСАМОВ,
«Совет Ўзбекистон»нинг Тошкент области мухбири.



Суратларда: 1. «Рассвет» совхозида чорва моллар озунаси да 75 тонна хлорелла суспензияси ўстириляётган цехнинг водада янги товуқхона қуриляпти. Сахифадаги фотоларни В. Сироткин ойнади.



Суратларда: 1. «Рассвет» совхозида чорва моллар озунаси да 75 тонна хлорелла суспензияси ўстириляётган цехнинг водада янги товуқхона қуриляпти. Сахифадаги фотоларни В. Сироткин ойнади.

